

ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Кади́ров Махаматнаси́р Уктамо́вич
Ўзбекистон Республикаси стратегик таҳлил ва истиқболни
белгилаш олий мактаби, кафедра мудири
E-mail: nuktamov@inbox.ru

Аннотация: Мақолада мамлакатда инновацион-инвестицион фаолиятни амалга ошириш шарт-шароитлари, назарий асослари ва тенденциялари таҳлил этилган. Тадқиқотлар асосида муаллифлик ёндашувлари асосланган. Инновацион-инвестицион фаолиятнинг иқтисодиётдаги тутган ўрни ва роли аниқланган ва баҳоланган. Олиб борилган изланишлар натижасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: иқтисодий хавфсизлик, инновацион-инвестицион фаолият, иқтисодий инқироз, макроиқтисодий мувозанат.

Аннотация: В статье анализируются условия, теоретические основы и тенденции осуществления инновационной и инвестиционной деятельности в стране. Исследование основано на авторских подходах. Выявлены и оценены роль и место инновационной и инвестиционной деятельности в экономике. В результате исследования были разработаны предложения и рекомендации.

Ключевые слова: экономическая безопасность, инновационная и инвестиционная деятельность, экономический кризис, макроэкономический баланс.

Abstract: The article analyzes the conditions, theoretical foundations and trends in the implementation of innovation and investment activities in the country. The research is based on authorial approaches. The role and place of innovation and investment activity in the economy has been identified and evaluated. As a result of the research, suggestions and recommendations were developed.

Keywords: economic security, innovation and investment activity, economic crisis, macroeconomic balance.

Кириш

2020 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномасида 2019 йилда амалга оширилган ислохотларни таҳлил этиб қуйидаги хулосани қайд этиб ўтди: “Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз”. Мазкур фикрларнинг таъкидлаб ўтилиши Ўзбекистонда инновацион фаолиятни янада ривожлантиришга бўлган заруратни кўрсатиб бермоқда.

Инновацияларнинг иқтисодиёт ва айниқса мамлакат учун жуда муҳим эканлиги ривожланишнинг барча босқичларида ўз аксини топмоқда. Инновацияларнинг асосий жиҳатлари қаторида қуйидаги ҳолатларни келтириш мумкин:

- мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш;
- экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ҳажмини оширишга хизмат қилади;

– мамлакатда истеъмол ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга шароит яратади.

Ҳозирги кунда жаҳон бозорида мамлакатлар томонидан маҳсулотларни тақдим этишда асосий эътиборни илмий сиғимкорликни юқори бўлишига қаратмоқда. Масалан, Жанубий Кореянинг Самсунг корпорациясининг жаҳон бозоридаги улуши эътиборга молик. Ушбу корпорация Жанубий Корея экспортининг 21 фоизини ёки 62 млрд. АҚШ доллари ҳажмида ташкил қилади [1]. Албатта бир қараганда 20 кичикдек кўриниши мумкин. Лекин Осиёнинг тўртинчи йирик иқтисодиёти учун ушбу рақамнинг аҳамиятини тасаввур қилиш мумкин. Бошқача айтганда, 62 млрд АҚШ доллари кўплаб давлатларнинг йиллик ЯИМга нисбатан бир неча баробар ёки бир мунча катта эканлигини кўриш мумкин.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Ҳозирги глобаллашув шароитида Ж.Корея корпорацияси ўзининг бозордаги мавқеини сақлаб қолиш учун курашмоқда. Сабаби, нафақат АҚШ корпорациялари, балки Хитой компаниялари ҳам ўзларининг бозордаги ўринларини мустаҳкамлашга жадал эътибор қаратмоқда. Умуман олганда, Самсунг 2019 йил биринчи ярим йиллигида 8,4 млрд. АҚШ доллари сарф этди. Ушбу рақам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,2 фоизга ортган. Шу билан бирга, Самсунг корпорациясининг илмий натижаларга патентларнинг 40 фоизи АҚШда олинган. Халқаро интеллектуал эгалик ҳуқуқи ассоциацияси маълумотларига кўра, Самсунг 2018 йилда патентлар сони бўйича IBMдан кейинги иккинчи ўринда қайд этилди [2].

Маълумки, мобиль қурилмалар ва ахборот технологиялар билан боғлиқ бўлган маҳсулотларнинг жаҳон бозорида Самсунг савдо белгиси остида юқори рақобатбардошлик категорияси тушунилади. Мазкур рақобатбардошлик омилининг шаклланишига инновацион фаолиятни тўлақонли мавжуд эканлиги билан асослаш мумкин. Ҳозирги кунда Самсунгнинг дунё бўйлаб 14 та тадқиқот марказлари бўлиб, улар турли мамлакатларда жойлашган. Улар Ғарбий Европа, Жанубий Осиё ва АҚШда жойлашган тадқиқот марказларидан ташкил топган. Шунингдек, эътиборли жиҳати Самсунг Европа, АҚШ ва Ж.Кореяда Сунъий онг марказларини ҳам ташкил этган бўлиб, тадқиқотларни ривожлантиришнинг янги босқичига чиқаётганлигини қайд этиш лозим.

Фикримизча, қайд этиб ўтилган тадқиқотлар марказларини ташкил этилиши илмий сиғимкор маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун шарт-шароит яратишига бир мисол сифатида қабул қилиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, инновацияларни яратилишига замин тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Инновацияларни яратилиши эса ўз навбатида тадқиқотлар амалга ошириш учун яратилган шарт-шароитлар билан бевосита боғлиқ бўлмоқда. Мазкур масала, Ўзбекистон шароитида кам ўрганилган бўлсада, айрим тадқиқотларнинг хулосаларини кузатиш мумкин. Масалан, ўзбекистонлик олимлар академик С.Гулямов, профессорлар Н.Жумаев ва Д.Рахмонов илмий тадқиқотларни бюджет молиялаштириш тенденцияларини тадқиқ этишди [3]. Уларнинг фикрича, фундаментал, амалий ва ёш олимлар илмий тадқиқотлари учун ажратилган квоталар сони ўзгармаган бўлсада, бюджет маблағлари ҳажми ортганлигини таъкидлашади. Шундан келиб чиқиб, 2012-2016 йилларда маблағлар ҳажми ортган бўлсада, илмий тадқиқотлар сони ўзгаришсиз қолаётганлиги аниқлаб берилган. Бу эса,

молиялаштириш манбаларини диверсификациялашга бўлган заруратни келтириб чиқариши асослаб берилади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотни амалга оширишда мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, динамикада ўрганиш каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистонда фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш ва уларни молиялаштириш тенденцияларини таҳлил этиб ўтишга ҳаракат қиламиз (1-жадвалга қаранг). Фундаментал лойиҳалар сонининг ўзгариши 2018-2020 йилларда пасайиш динамикаси билан ривожланаётганлигини кузатиш мумкин. Умумий рақам 2018 йилда 376тани ташкил этган бўлса, 2020 йилда 334 тани ташкил этмоқда. Бошқача айтганда, ҳам ижтимоий, ҳам аниқ фанлар кесимида пасайиш юзага келмоқда.

Этиборли жиҳати лойиҳаларнинг сони қисқараётган бўлсада, молиялаштириш ҳажми ортаётганлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, молиялаштириш ҳажми 2018-2020 йиллар оралиғида салкам 2 баробартга ортганлигини кўриш мумкин. Бунда ўртача битта лойиҳага тўғри келувчи молиялаштириш ҳажмини таҳлил этиб, қуйидаги ҳолатни қайд этиш мумкин: ижтимоий фанлар бўйича лойиҳаларга 2018 ва 2020 йилларда мос равишда 118 млн. сўм, 253 млн. сўм, аниқ фанлар бўйича эса, 102 млн. сўм ва 217 млн. сўмни ташкил этган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Ўзбекистонда фундаментал лойиҳалар сони ва молиялаштириш ҳажми

	2018	2019	2020
<i>Лойиҳалар сони, дона</i>			
<i>Ижтимоий фанлар</i>	53	52	47
<i>Аниқ фанлар</i>	323	320	287
Жами	376	372	334
<i>Молиялаштириш ҳажми, млн. сўм</i>			
<i>Ижтимоий фанлар</i>	6 281,2	10 127,2	11 903,1
<i>Аниқ фанлар</i>	32976,1	53167,9	62491,4
Жами	39 257,3	63 295,1	74 394,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги маълумотлари

1-жадвал асосида амалга оширилган таҳлилиларимиз асосида қуйидаги илмий хулосаларни шакллантириш мумкин:

- ҳам ижтимоий, ҳам аниқ фанлар кесимида фундаментал лойиҳаларнинг бажарилиши камайиш тенденцияси юзага келмоқда;
- фундаментал лойиҳаларни бюджетдан молиялаштириш ҳажми ортиб бормоқда. Жумладан, бир лойиҳага тўғри келувчи молиялаштириш ҳажми икки баробарга ортган;
- лойиҳаларнинг сони ва молиялаштириш ҳажми тескари пропорционал тарзда ривожланиб келмоқда.

Тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда амалий лойиҳаларни молиялаштириш тенденцияларини кўриб чиқамиз. Амалий лойиҳаларни давлат

бюджетидан молиялаштириш ҳажми сақлаб қолинаётган бўлсада, уларнинг сони ҳам қисқариш динамикаси билан ривожланмоқда (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Ўзбекистонда амалий лойиҳалар сони ва молиялаштириш ҳажми

	2018	2019	2020
<i>Лойиҳалар сони, dona</i>			
<i>Ижтимоий фанлар</i>	153	137	118
<i>Аниқ фанлар</i>	939	845	724
Жами	1092	982	842
<i>Молиялаштириш ҳажми, млн. сўм</i>			
<i>Ижтимоий фанлар</i>	19 556,0	33 901,2	45 193,4
<i>Аниқ фанлар</i>	102669,3	177981,1	237265,2
Жами	122 225,3	211 882,3	282 458,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги маълумотлари

2018-2020 йиллар оралиғида амалий лойиҳалар сони ва молиялаштириш ҳажми тенденциялари юқорида тадқиқ этганимиз фундаментал лойиҳалар динамикаси билан уйғун тарзда шаклланаётганлигини таъкидлаш лозим. Хулоса қилиб айтганда, илмий тадқиқотларни амалга оширишда фанларнинг ёки йўналишларнинг ихтисослашуви (хусусиятлари) инobatга олинмаётганлигини кўрсатади.

Фикримизча, жаҳон мамлакатларида ҳам тадқиқот лойиҳаларини молиялаштиришни амалга оширишда фан хусусиятларини инobatга олинишига алоҳида эътибор қаратилади. Шу нуқтаи назардан, тадқиқот лойиҳаларини молиялаштиришда фан хусусиятларини эътиборга олинишига имкон берувчи методологияни қўллаш муҳим ҳисобланади, деб ўйлаймиз.

3-жадвал

Ўзбекистонда инновацион лойиҳалар сони ва молиялаштириш ҳажми

	2018	2019	2020
<i>Лойиҳалар сони, dona</i>			
<i>Ижтимоий фанлар</i>	47	26	9
<i>Аниқ фанлар</i>	244	134	48
Жами	291	160	57
<i>Молиялаштириш ҳажми, млн. сўм</i>			
<i>Ижтимоий фанлар</i>	5 266,5	6 774,1	4 486,5
<i>Аниқ фанлар</i>	27649,4	35564,0	23554,4
Жами	32 915,9	42 338,1	28 040,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги маълумотлари

2018-2020 йилларда инновацион лойиҳаларни сони ва молиялаштириш ҳажмини таҳлил этсак. 3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, инновацион

лойиҳалар сони кескин камайиш тенденциясини акс эттирмоқда. Жумладан, ижтимоий фанлар бўйича 47 тадан 9 тага тушиб кетган бўлса, аниқ фанлар кесимида эса 244 тадан 48 тагача пасайган. Эътибор бериш керак, молиялаштириш ҳажми ҳам 2019 йилдан сезиларли пасайишни ўзида акс эттирган.

Инновацион лойиҳаларнинг сони нуқтаи назаридан 2019 йилда 160 тадан 57 тага қадар камайганлиги лойиҳаларга қўйилаётган талабларнинг кескинлашганлиги ва лойиҳани танлаб олиш босқичларини етарлича ошганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шундай бўлсада, бир лойиҳага тўғри келадиган молиялаштириш ҳажми кўпайганлигини қайд этиш лозим.

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Давлат бошқаруви органлари, ҳўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари; Буюртмачи	Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари қабул қилинганидан кейин мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳалари бўйича таклифларни Буюртмачига тақдим этади	Ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин ўттиз кун ичида
2-босқич	Буюртмачи	1. Қабул қилинган мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларини дастлабки техник экспертизадан ўтказади. 2. Лойиҳа ҳужжатлари бўйича дастлабки техник экспертизанинг: – ижобий ҳулосаси бўлган тақдирда, ҳужжатлар тўплами илмий экспертизани ўтказиш учун тегишли илмий-техник кенгашга юборади; – салбий ҳулосаси бўлган тақдирда, бу ҳақида лойиҳани тақдим этган муассасага камчиликларни бартараф этиш учун ёзма равишда маълум қилади. Бунда агар белгиланган муддатда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаса, лойиҳа кўриб чиқиш жараёнидан олиб ташланади.	15 кун муддатда 3 кун муддатда
3-босқич	Илмий-техник кенгашлар	1. Тақдим этилган мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказади. 2. Илмий экспертиза натижаларини Коллегиал органга кўриб чиқиш учун тақдим этади.	15 кун муддатда
4-босқич	Коллегиал орган (Инновацион ривожланиш вазирлигининг хайъати)	Молиялаштиришга тавсия этилган мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларини кўриб чиқиб, уларни молиялаштириш бўйича қарор қабул қилади. Коллегиал орган йиғилишида мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш билан боғлиқ мунозарали саволлар вужудга келса, ушбу масала Жамоатчилик кенгашига кўриб чиқиш учун киритилиши мумкин.	10 кун муддатда
5-босқич	Инновацион ривожланиш вазирлигининг Жамоатчилик кенгаши, Коллегиал орган	Мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш ёки молиялаштиришни рад этиш тўғрисида тавсиявий қарор қабул қилади ва йиғилиш баёни тарзида расмийлаштириб, Коллегиал органга тақдим этади. Коллегиал орган томонидан мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш юзасидан якуний қарор	Бир ой муддатда 10 кун муддатда

1-расм. Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси доирасида мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳаларини шакллантириш тартиби

Умумий олиб қараганда, 2018-2020 йилларда илмий тадқиқотларни амалга оширишда уларнинг сони ошмаётган бўлсада, уларнинг ҳар бирига тўғри келадиган молиялаштириш ҳажми ортаётганлигини кўриш мумкин.

Таъкидлаб ўтганимиздек, илмий тадқиқотларни танлаб олиш ва уларни молиялаштиришга ўтказиш жараёнларининг тизимлаштирилганлиги билан бевосита боғлиқ бўлиши мумкин. 1-расмдан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан лойиҳаларни танлаб олиниши учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги “Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 133-сонли қарори билан илмий тадқиқот ишларини давлат буюртмаси асосида амалга оширилиши белгилаб берилди. Ушбу қоиданинг 2020 йилга келиб тасдиқланган бўлсада, бизнинг ўрганишларимиз ушбу механизм синов тариқасида 2018 йилдан буён фойдланиб келинганлигини таъкидлаш лозим.

1-расмда келтирилган тартибни амалга киритилиши билан 5та босқични 90 кунга яқин муддатда амалга оширилиши лойиҳаларни молиялаштиришга ўтказиш механизмнинг янги босқични акс эттириб беради. Ушбу механизмни жорий этилиши билан илмий тадқиқотларнинг сифат омилининг бирламчи омил тарзида белгиланаётганлигини англатади. Илмий тадқиқот лойиҳаларини экспертизасини илмий жиҳатдан амалга оширилишини белгилаб берувчи Илмий-техник кенгашларнинг шакллантирилганлиги билан сифат мезонлари сезиларли ошди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 133-сонли қарорига кўра, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашларнинг қуйидаги асосий вазифалари белгилаб берилди:

– илмий-тадқиқот ишлари учун давлат буюртмасига келиб тушган илмий-тадқиқот лойиҳаларининг экспертизасини ташкил этиш, экспертиза натижалари бўйича асосланган хулосалар ишлаб чиқиш;

– фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, инновацион фаолият ва рақобатбардош илмий-техник маҳсулотлар бозорини кенгайтиришга қаратилган замонавий технологияларни жорий этиш бўйича, шунингдек, тегишли танловларда уларнинг иштироки учун тавсиялар бериш;

– Буюртмачига илмий фаолиятга оид давлат дастурларини (зарур ҳолларда халқаро ҳамкорлик дастурларини) кўриб чиқиш, такомиллаштириш, рўйхатга олиш ва тасдиқлаш бўйича тегишли илмий-техник хулосалар тайёрлаш;

– нодавлат нотижорат ташкилотлари, олим ва мутахассислар, хўжалик юритувчи субъектлар, илмий-ишлаб чиқариш тузилмалари, илмий-техник марказлар ва технопарклар томонидан тақдим этилган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш натижалари асосида Буюртмачига хулоса ва тавсиялар киритиш;

– давлат буюртмаси доирасида муаллифлик асосида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот лойиҳаларининг плагиатини аниқлаш ва идентификациялаш;

– оралиқ ва якуний ҳисоботларни таҳлил қилиш, ҳар бир илмий-тадқиқот лойиҳаси амалга оширилишини мониторинг қилиш ёки лойиҳаларни тугатиш, истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш ва лойиҳаларни молиялаштиришни давом эттириш бўйича Буюртмачига хулосалар киритиш;

– иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада илмий-тадқиқот ҳамда инновацион фаолият натижаларини қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш;

– Буюртмачининг коллегиял органида кўриб чиқиш учун ишлаб чиқилган дастурларнинг эксперт хулосаларини таҳлил қилиш ва тайёрлаш;

– илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларидаги объектларни ноёб илмий объектлар рўйхатига киритиш юзасидан хулоса ишлаб чиқиш;

– илмий фаолиятга оид давлат дастурлари ва лойиҳаларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш, уларнинг натижаларини илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш соҳаларига татбиқ этишда иштирок этиш, олиб борилаётган тадқиқотларни яхшилаш ва фаоллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ҳукуматнинг 2020 йилда қабул қилган ҳужжатида илмий тадқиқотларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишилиши назарда тутилмоқда. Шундай бўлсада, ушбу ҳужжат билан айрим мунозарали ҳолатлар ҳам юзага келган деб ўйлаймиз. Жумладан, давлат буюртмасига киритиш учун тематик лойиҳа эълони учун таклифларни шакллантиришда бир қатор принциплар доирасида “лойиҳа натижаларининг тижоратлаштириш имкониятининг мавжудлиги”ни белгилаб берувчи қоида ҳам келтирилган.

Бизнингча, илмий тадқиқотларнинг барча натижаларини тижорат имкони бўлишини талаб этилиши илмий фаолиятни амлага оширилишига тўлиқ имкон бермаслиги мумкин. Ижтимоий фанлар кесимида амалга оширилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган илмий таклифлар тўғридан-тўғри даромад келтирмаслиги мумкин. Масалан, иқтисодиёт фанлари доирасида бажарилган тадқиқотнинг илмий натижаларини амалиётга қўллаш орқали Ўзбекистон қонунчилиги такомиллаштирилиши мумкин. Ўз навбатида, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси иқтисодиёт фанлари бўйича тадқиқотда ишлаб чиқилган таклифларни қонунчиликда қўллаш юзасидан лойиҳа натижаларини сотиб олиш имконияти мавжуд эмас. Шу нуқтаи назардан, бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу боисдан, тижоратлаштириш имконини белгилаб берувчи принципни қуйидагича тартибда тизимлаштириш мақсадга мувофиқ:

– ижтимоий ва аниқ фанлар кесимида илмий натижаларга нисбатан тижоратлаштиришнинг аниқ мезонларини шакллантириш;

– илмий тадқиқот лойиҳалари – фундаментал, амалий ва инновацион категориялар доирасида тижоратлаштириш қоидасини табақалаштириш. Жумладан, фундаментал лойиҳаларга нисбатан тижоратлаштириш амалиётини қўллаш олим-мутахассислар учун мавҳумликни юзага келтириши мумкин.

Ўз навбатида 2018-2020 йилларда амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг натижаларини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз (4-жадвал маълумотларида натижадорлик кўрсаткичлари келтирилган).

Таъкидлаш лозим, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилгандан сўнг илмий тадқиқотларни амалга оширишга нисбатан мезонларни шакллантирилиши ва ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамланиши соҳада бир қатор силжишларни юзага келишига шарт-шароит яратмоқда. Хусусан, халқаро лойиҳалар сони 21 тани ташкил этиб, шундан 15 таси Белоруссия ва 6 таси Германия билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Уларнинг мос равишда молиялаштириш ҳажми 5,5 млрд. ва 0,8 млрд. сўмни ташкил этади. Шу билан бирга, стартап лойиҳаларнинг 2019-2020 йилдаги сони 34 тадан 44 тага етган бўлиб, молиялаштириш ҳажми 38,4 млрд сўмга тенг бўлган.

Олий таълим ва илмий ташкилотларда амалга оширилаётган илмий лойиҳаларнинг натижадорлиги тўғрисида маълумот

№	Номланиши	2018	2019	2020*	Жами
1	Жами патентлар сони, шу жумладан:	421	485	65	971
	хорижий	23	28	3	54
	амалдаги	375	444	54	873
2	Дастурий маҳсулотлар гувоҳномалари, шу жумладан:	645	1280	149	2074
	амалда қўлланилган	436	862	96	1394
3	Натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши сони	840	866	67	1773
4	Нашр қилинган монографиялар сони	963	1193	191	2347
5	Нашрларнинг сони, шу жумладан:	18435	29140	3209	50784
	республика нашрларида	9089	16342	1863	27294
	халқаро ва хорижий нашрларда	9466	12905	1368	23739
	шу жумладан маълумотлар базасига киритилган журналларда:	389	1110	509	2008
	Scopus	625	1335	596	2556
	Web of Science	240	264	49	553
6	Чоп этилган мақолаларнинг иқтибослик даражаси:	2874	3436	889	7199
	Scopus	2460	2353	18252	23065
	Web of Science	1553	1594	379	3526
7	Маърузалар (доклад) ва маърузалар тезислари, шу жумладан:	59605	60786	4246	124637
	республика конференцияларида	48076	46009	2633	96718
	халқаро конференцияларда	11529	14777	1613	27919

*- йилнинг биринчи чораги бўйича кўрсаткичлар

Манба: Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги маълумотлари

Олий таълим ва илмий ташкилотларда амалга оширилаётган илмий лойиҳаларнинг натижаларини таҳлил этиш учун 4-жадвал маълумотларидан фойдаланамиз. Унга кўра, илмий тадқиқотлар доирасида амалга оширилаётган ишларнинг якунлари борасида статистик рақамлар баҳоланади. 2018-2020 йиллар давомида илмий тадқиқотларнинг натижаларини патентлаштириш, дастурий маҳсулотлар шаклида амалга ошириш каби кўрсаткичларнинг ошаётганлигини таъкидлаш лозим. Эътиборли жиҳати, Scopus ва Web of Science каби илмий маълумотлар базасига киритилган нашрлар журналларида 2018 йилда 389 та бўлган бўлса, 2019 йилда 1110 тани ташкил этган ва ўз навбатида уларга иқтибослик даражаси 2874 тадан 3436 тага етган.

Хулоса

Бизнингча, мазкур натижаларнинг юзага келишида илмий тадқиқотларни амалга оширилишида замонавий ёндашувларнинг жорий этилаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5583-сонли фармонининг қабул қилиниши билан боғлиқ, деб ўйлаймиз.

Мамлакатимиз тажрибасида илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этишда қуйидаги тенденциялар юзага келаётганлигини таъкидлаш лозим:

- илмий тадқиқот натижаларини рискли молиялаштириш – стартаплар амалиётини жорий этилганлиги;
 - давлат буюртмаларини халқаро молиявий маблағлар доирасида молиялаштириш амалиётини ривожланаётганлиги;
 - илмий тадқиқот натижаларини халқаро рақобатбардошлигини оширишга бўлган заруратни белгиламоқда;
 - илмий тадқиқот натижаларига техник талаблар билан бирга илмий талаблар ҳам шакллантирилмоқда.
- Олиб борган тадқиқотларимиз натижасида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим, деган хулосага келдик:
- илмий тадқиқотларни молиялаштиришда уларнинг муддатларини табақалаштириш – бунда фаннинг илмий натижага эришиш хусусиятини инобатга олиш;
 - илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш принципини амалга жорий этишда лойиҳаларнинг қандай шаклда (фундаментал, амалий ёки инновацион) бўлишига алоҳида эътибор бериш;
 - илмий лойиҳаларни молиялаштиришда давлат бюджети маблағларини ижтимоий хусусиятдаги, хусусий сектор маблағларини эса тижорат хусусиятидаги лойиҳаларга йўналтириш амалиётини жорий этиш. Бунда фундаментал лойиҳалар ижтимоий, инновацион лойиҳалар кўпроқ тижорат хусусияти касб этишини инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Samsung Electronics accounts for 20% of S. Korea's exports in H1
<http://www.koreaherald.com/view.php?ud=20190818000029>
2. Samsung continues to pour money into R&D
<https://www.sammobile.com/news/samsung-spending-on-research-development-grows/>
3. Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Рахмонов Д.А., Ташходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. –Т.: IQTISODIYOT, 2019. – 342 б.